

Қаерда гуноҳлар кенг тарқалса, ўша ер аҳолиси ҳалокатга учрайди



19:00 / 23.01.2024 1987

بَصِيرًا خَيْرًا عِبَادَهُ يَذُوبُ بِرَبِّكَ وَكَفَى نُوْحٌ بَعْدَ مِنَ الْقُرُونِ مِنْ أَهْلِكَ نَا وَكَمْ

**«Нухдан сўнг қанчадан-қанча асрларни ҳалок қилдик.
Бандаларининг гуноҳларидан хабардор бўлиш ва уларни кўришда
Роббинг Ўзи кифоя қилур» (Исро сураси 17-оят).**

Яъни фисқу фасодга берилиб, бузғунчилик қилган қавмларнинг ҳалокати янги одат эмас. Бу иш доимо бўлиб келган. Нух даврида фисқу фасод туфайли барча одамларни ғарқ этиб, фақат Нух ва унга иймон келтирганларни сақлаб қолган эдик. Аммо Нухдан кейинги асрларда ҳам гуноҳкорларни ҳалок этиб келдик. Ҳа,

«Нухдан сўнг қанчадан-қанча асрларни ҳалок қилдик».

Қаерда гуноҳлар кенг тарқалса, ўша ер аҳолиси ҳалокатга учратилади.

«Бандаларининг гуноҳларидан хабардор бўлиш ва уларни кўришда Роббинг Ўзи кифоя қилур».

Бошқа гувоҳ, хабарчи ёки кўрувчининг кераги йўқ.

﴿مَدْحُورًا مَذْمُومًا يَصِلْنَهَا جَهَنَّمَ لَهُ جَعَلْنَا ثَمْرَ نُزُودٍ لِمَنْ نَشَاءُ مَا فِيهَا لَهُ عَجَلْنَا الْعَاجِلَةَ يُرِيدُ كَان مِّنَ﴾

«Ким шошган(дунё)ни истаса, унга бу дунёда ирода қилган кишимизга нимани хоҳласак, шошилиш берурмиз. Сўнгра унга жаҳаннамни берурмиз. Унга мазаммат қилинган ва қувғинга учраган ҳолда кириб, куюр» (Исро сураси 18-оят).

Кимки бошқа нарсани хоҳламасдан, ушбу ўткинчи, беш кунлик дунё учун яшамоқчи бўлса, Аллоҳ унга бу дунё насибасини шошилиш тарзда беради. У киши бу дунёда керак нарсасига эришиб олади. Аммо охиратига ҳеч нарса қолмайди. Шунинг учун:

«Унга мазаммат қилинган ва қувғинга учраган ҳолда кириб, куюр».

Улар бу дунё ҳойи-ҳавасларига берилиб, шаҳват ва лаззат ортидан қувиб, ҳаётларини гуноҳ қилиш билан ўтказадилар. Энди жаҳаннамда ўша гуноҳларига яраша азоб чекадилар.

﴿مَشْكُورًا سَعِيَهُمْ كَان فَأُولَئِكَ مُؤْمِنٌ وَهُوَ سَعِيهَا لَهَا وَسَعَى الْآخِرَةَ أَرَادَ وَمِنَ﴾

«Ким охиратни истаса ва унга эришиш учун мўмин бўлган ҳолида керакли ҳаракатини қилса, бас, ана ўшаларнинг ҳаракатлари мақбулдир» (Исро сураси 19-оят).

Демак, охират саодатига эришиш учун фақат уни иташ, хоҳлашнинг ўзи кифоя қилмас экан. Унга эришиш учун истак билан бирга иймон ва жиддий ҳаракатлар ҳам даркор экан. Истак билан бирга, энг аввало, иймон керак, усиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Истак ва иймон бўлса-ю, керакли саъй-ҳаракат қилинмаса ҳам, натижа чиқмайди. Демак, охират саодатига эриштирувчи ишларни ҳам амалга ошириш керак. Яъни одам охиратда яхши натижага эриштирадиган ишларни қилиши, охиратда жаҳаннамга дучор этадиган ишларнинг яқинига йўламаслиги лозим бўлади.

«...бас, ана ўшаларнинг ҳаракатлари мақбулдир».

Улар бу дунё ва охираатнинг саодатига эришадилар.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди